Бизнинг юртимиз, элимиз ва хатто расмий идораларимизда гайри табиий киликлар, ишлар канча кўб бўлса, табиий ишлар хам ўшанча кўбдир.

Булардан гайритабиийларини ёзмай ўтсак, албатта, «Машраб» кўркди, ёки мудохана йўлини тутди деб хаккимизда «хусни зан» килгувчилар чикиб колиши табиий бўлгонидек, ёзгонимиз такдирда бошимизнинг каламдек кесилиши хам табиийдир. Шунинг учун бу дафъа ёлгиз табиий ишлардан бир нечтасини кўрсатиб ўтиш маслахат кўруладир.

Биз хамма вакт хар ерда хукумат идораларини ерлилашдириш - тубжойлашдириш учун кучимиз борича хайкирамиз, кичкирамиз. Бу йўдда бор довшимизни битириб ўзимиз чарчаб колгонда, чала хат-саводлик бир мўлтокни оламиз-да, зўр билан уни бир идорага тикиб юборамиз. Кулоч-кулоч карорлар ёзиб бўлгондан сўнг «кани пул!» деганда жонимиз чикадир... Мана, тубжойлашдириш тўгрисидаги ишимиз шу ходда экан, иншооллох киёмат якинлашконда, тўртинчи осмондан хазрати Исо тушиб, бу мухим вазифамизни бажариб бериши табиийдир.

Улуг вазифаларимиздан бири хурофот билан курашиш эди. Худога шукрки, бу ишимиз хам ўзининг табиий йўлига тушиб бораётибдир. Чунончи, биз эшонлардан канча узоклашсак ва уларни кабих алфоз билан сўксак, улар бизга шунча якинлашадирлар ва хатто гўшт-пўстимизга кириб борадир. Биз уларни канча эзсак, улар ишчи-дехконларимизни шунча эзадирлар. Биз бу холларни кўриб, «кўзим кўрмасин, гўштимни бўри есин», деймизда ўзимизни билмасликка сола берамиз. Бу ишимиз хам шу тусда экан, ёкамизни хали бери хурофот чангалидан куткара олмаслигимиз табиийдур.

Бизнинг хаёт-мамот масалаларимиздан биртаси, шубхасиз, олик-солик ишидир. Бу иш хам «мо фавка ат-табиий» йўлига тушиб кетаётибдир. Раста-бозорлардаги соликларимиз жуда тартибликдир. Бу ерда пашшанинг хам «гинг» зтишини кўра олмайсиз. Яъни хамма рози, ишлар ўз жойида. Энг ичидаги олиш-бериш бозори жуда чак-чак. Биров бир дакикада бой, бошкаси бир соатда гадой бўлмокдадир. Солик ишлари хам шу йўл билан кета берса, дўконларнинг огзи очилиб колиши ва шунинг билан хамма бойчаларимизнинг ишчи-дехкон синфига кириб кетиши табиийдур.

Сўзимизнинг адогида шахримиздаги кизик бир манзарани хам кўрсатиб ўтайлик:

Самарканддa Зарафшон деган бир дарё бор. Бунинг устига бир эмас, иккита кўприги хам

бор. Ишнинг кизиги шундаким, бизнинг нодон халкимиз шахарга бориш-келиши учун шундай кўприклардан ўтмай, сувда бир шўнгиб эртаси Бухородан чикадирлар... Бу катнашлар хам шундай давом этаберса, кишгача барча ишчи-дехконларимизнинг Бухорога ўтиб кетишлари табиийдир.

Ботурбек

«Машраб», 1924 йил, 4-сон